Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 1 декабрь, сешанба • № 143 (24.380).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон — Қирғизистон:
Амалий ҳамкорлик кенгаймоқда

30 ноябрь куни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф дастурида кўзда тутилганидек, дастлаб Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, коммуникация, гидроэнергетика, Қирғизистонга Ўзбекистон газини етказиб бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати кечаётган пайтда, қароргоҳнинг Мажлислар залида икки давлат расмий делегациялари вакилларининг учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисида, икки давлат ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларнинг ратификация ёрлиқлари алмашилгани тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев икки давлат ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилгани тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Шундан сўнг Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

— Бугунги суҳбатимиз чоғида муҳокама этилган асосий масалалардан бири Қирғизистонга Ўзбекистон газини мунтазам етказиб бериш, унинг баҳоси ва ҳисоб-китоби билан боғлиқ бўлди, — деди Ислом Каримов. — Ҳозирги вақтда биз Қирғизистонга йилига қарийб бир миллиард куб метр газ етказиб берамиз. Ҳисоб эса элликка-эллик тамойилига асосланади. Яъни, эллик фоизи валюта, қолгани эса маҳсулот билан қопланади. Президент Асқар Акаев Қирғизистонга берилаётган газ ҳажмини кўпайтириш, унинг ҳисоб-китобини эса элликка-эллик эмас, балки ўттизга-етмиш тарзида амалга оширишни таклиф қилди. Ўйлайманки, икки давлатнинг мутасаддилари ташкилотлари бу масалани атрофлича ўрганиб, икки томон учун ҳам мақбул йўлни топади.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида тўхталди. Андижон —Ўш-Ирқиштом — Қашқар йўналиши икки давлат учун ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, бир қарашда унчалик узун бўлмаган бу йўналиш аслида Шанхайни Париж билан боғлайдиган улкан йўлнинг бир қисмидир. Айнан мана шу сабаб унинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатиб туради. Айни пайтда бу йўналишнинг икки варианти бор. Автомобиль йўли ва темир йўли. Ҳозирги шароитда улар ичида автомобиль йўли мақбулроқ. Зеро, унинг бунёд этилиши темир йўли қурилиши каби йирик миқдорда сармоя талаб қилмайди. Ислом Каримов Президентларнинг юзма-юз суҳбати чоғида ушбу йўналишнинг Қирғизистондан ўтадиган қисмини барпо этиш ҳақида сўз борган ва Ўзбекистон бу борада асосий пудратчи бўлиши хусусида келишиб олинганини маълум қилди. Молиялаштириш ҳам Ўзбекистон зиммасига тушади. Хўш ҳисоб-китоб қандай бўлади? У ҳам элликка-эллик тамойилига таянади. Яъни, Қирғизистон имтиёзли тарзда йўл қурилишига кетган харажатларнинг эллик фоизини етти йил давомида Ўзбекистонга тўлайди. Ўзбекистон автомобилларининг ушбу йўлдан фойдаланишини назарда тутиб, харажатларнинг қолган қисми тўланмайди, дея келишиб олинди.

Шунингдек, матбуот анжуманида Қирғизистоннинг сув захираларидан фойдаланиш, хусусан, гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш борасида ушбу мамлакатга ёрдам кўрсатиш ҳақида тўхталиб ўтилди. Қирғизистоннинг сув манбалари кўп. Улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, мамлакат электр энергияси экспортидан катта даромад олиши мумкин. Аммо, бу соҳага эътибор Қирғизистоннинг ўзида ҳам, хорижда ҳам кам. Ислом Каримов бу борада муайян лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олингани ҳамда бунинг икки томон учун ҳам фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек Қирғизистон иқтисодиётини қийин аҳволдан халос этиш борасида Ислом Каримов билдирган фикрлар, таклифларни юқори баҳолади.

— Аввало, шуни айтиб ўтишим керакки,— деди Асқар Акаев. — Ислом Каримов Қирғизистон халқига ҳамиша алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келади. У қўшни мамлакат Президенти ва қирғиз халқининг самимий дўсти сифатида оғир пайтларда бизга ҳамиша ёрдам қўлини чўзган.

Албатта, Ўзбекистон газининг Қирғизистонга мунтазам етказиб берилиши биз учун жуда муҳим. Бугун Қирғизистон иқтисодиётида кечаётган қийинчиликларни ҳисобга олиб, Ислом Каримовга газнинг баҳоси, ҳисоб-китоб бўйича таклифларимни билдирдим. Ўзбекистон раҳбари уларга алоҳида эътибор билан ёндошганидан мамнунман.

Тожикистонда сўнгги пайтларда юз берган воқеалар ҳам матбуот анжумани иштирокчилари диққат-эътиборидан четда қолмади. Ислом Каримов бу борада ҳар хил асоссиз гаплар тарқатилаётганини ачиниш билан таъкидлади.

— Етти йилдирки, Тожикистон халқи фуқаролар уруши жабрини тортаётир, — деди Президент. — Айтиш мумкинки, мамлакатда ҳокимият учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб кураш кетмоқда. Тор доирадаги, уруғчилик асосланган бу кураш баъзида қуролли тўқнашувларга айланиб бораётир.

Мен илгари ҳам айтганман. Бугун буни яна бир карра таъкидлайман: биз Тожикистонда тинчлик жараёни тўғрисида Москвада имзоланган битимни қўллаб-қувватлаймиз. Тожикистондаги мураккаб вазиятни фақат тинч музокаралар йўли билангина ечиш мумкин. Бунинг муқобили йўқ.

Ислом Каримов Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида рўй берган воқеаларда Ўзбекистоннинг қўли бор, деган бўҳтон гапларнинг мутлақо асоссиз эканини далиллар билан исботлаб берди. Мантиқан олиб қаралганда ҳам, ҳеч қайси мамлакат ўз «биқинидаги» давлатда нотинчлик бўлишидан манфаат топмайди. Оддийгина мисол, Ленинободдаги воқеалар мобайнида Ўзбекистоннинг у ердан ўтадиган поездлари тўхтаб қолди. Бу Ўзбекистоннинг манфаатларига зид. Биз кўра била туриб ўзимизга зарар келтирармидик.

Аслида, Ўзбекистон номига бўҳтон ёғдиришдан аввал Тожикистонда тинчлик ўрнатилиши учун энг кўп ғамхўрлик кўрсатган давлатни эслаш адолатдан бўларди. Негаки Тожикистонга қанчадан-қанча инсонпарварлик ёрдами кўрсатган Президент Имомали Раҳмонов билан тожик мухолифати раҳбари Абдулло Нурийнинг музокаралар бошлашига бош-қош бўлган Ўзбекистон эди. Ленинобод вилоятида мураккаб вазият вужудга келганда, Тожикистон ҳукумати қўшинларига исёнчиларнинг орқа томонидан зарба беришга кўмаклашган — Тожикистон ҳукумати қўшинларининг жанубдаги ҳарбий бўлинмаларини Ўзбекистон ҳудуди орқали Тожикистон шимолига ўтишини таъминлаган ҳам Ўзбекистон бўлди.

Тожикистонда бугунги кунда 1 миллион уч юз мингдан ошиқ ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Яъни, мамлакат аҳолисининг 25 фоизи. Аралаш оилаларни ҳисоблаганимизда эса, бу рақам яна ошади. Аслида эса Президент Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, улар икки тилда гаплашувчи бир халқдир. Бу ҳам Тожикистондаги воқеаларда Ўзбекистоннинг қўли бор, деган гаплар мутлақо асоссиз эканлигини исботлаб турибди.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Ислом Каримовнинг Тожикистон масаласи бўйича берган баёнотини тўла қўллаб-қувватлади. Хусусан, Асқар Акаев Тожикистон Президенти томонидан Ўзбекистон шаънига билдирилган гапларга ишонмаслигини таъкидлади.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Ислом Каримов журналистларга Асқар Акаевнинг Қирғизистонга ташриф буюриш, Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш тўғрисидаги таклифларини қабул қилганини ҳам маълум қилди.

Шу билан Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди. У шу куни Тошкентдан ватанига жўнаб кетди.

Анвар БОБОЕВ,
Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Суратда: яккама-якка суҳбат пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА)олган сурат

Тожикистондаги воқеалар ҳақида баёнот

30 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Дўрмондаги қароргоҳида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи якунларига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида Тожикистондаги воқеалар ҳақида баёнот берди.

Қуйида шу баёнот матни эълон қилинмоқда.

Етти йилдирки, Тожикистон фуқаролар урушининг оқибатларини бошдан кечирмоқда. Агар турли қуролли тўқнашувлар, террористик хуружлар, одамларни гаровга олишлар ва умуман минтақавий низоларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, Тожикистонда фуқаролар уруши **тугамаган**, деган тасаввур туғилади.

Ҳокимият учун минтақавий ва уруғ-аймоқчилик кураши бормоқда, бу кураш ниҳоятда шафқатсиз суратда бўлиб, қуролли тўқнашувларга айланиб кетмоқда.

Гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва уларни **олиб ўтиш ниҳоятда улкан миқёс касб этди.** Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида тонналаб гиёҳванд моддалар ушлаб қолинмоқда.

Айни вақтда наркобизнесга **ҳокимият ва ҳарбий-маъмурий тузилмалар ҳам аралашиб кетган.** Шундай деб айтишга бизда барча асослар бор.

Биз, ўзбекистонликлар, Тожикистонда тинчлик жараёнини ўрнатиш масаласи **Москвада имзоланган битим асосидагина ҳал** этилиши керак, деган қатъий **фикрдамиз.**

Тожикистоннинг жафокаш халқи учун тинчликка эришишнинг ягона йўли бу **фақаттина тинч музокаралар йўлидир.**

Ҳақиқатда эса биз тинчлик музокараларининг натижаси сифатида ҳозирча **Раҳмонов бошчилигидаги Кўлоб гуруҳи ва жаноб Нурий бошчилигидаги Бирлашган тожик мухолифати ўртасида амал портфелларини бўлиб олишни** кўрмоқдамиз.

Бироқ Тожикистонда бошқа минтақалар ва бошқа сиёсий кучлар ҳам борки, улар ҳам ҳокимиятга даъвогарлик қилмоқда. Кўлоб гуруҳининг ичида ҳам ҳокимиятни ва таъсир доираларини бўлиб олиш учун қаттиқ жанжал ва кураш кетмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бугун рўй бераётган кескинликнинг, қуролли тўқнашувларга айланиб кетаётган курашнинг сабаблари ана шунда.

Мана шундай вазиятда Раҳмонов атрофидаги айрим кучлар воқеалар ривожини миллатлараро ва давлатлараро тўқнашувга айлантириб юборишни жуда-жуда истаяпти.

Ташқаридан душман топиш ва шу асосда ҳокимият атрофида пашшахўрда бўлиб юрганларнинг барчасини бирлаштириш — унчалик қийин иш эмас.

Бу воқеаларда Ўзбекистоннинг қўлини излаётган кимсаларнинг барчасини ҳаракатга келтираётган ғаразли мақсад ана шундан иборат. Бу ишда уларга Россиянинг баъзи бир махсус хизмат идоралари кўмак бермоқда. Бизда буни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар бор.

Энди бу ишларда Ўзбекистоннинг қўли бор, деган даъволар ҳақида икки оғиз сўз.

Тожикистонда 1 миллион 300 мингдан зиёд ўзбек яшайди. Бу Тожикистон аҳолисининг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Агар ўзбек-тожик аралаш оилаларни ҳам ҳисобга олсак, бу рақам янада ортади.

Раҳмонов жанобларининг собиқ бош сафдоши — полковник Худойбердиевнинг ўзи яқинда Россия матбуоти вакилларига интервьюсида баёнот берганидек, унинг отаси — тожик, онаси эса — ўзбек. Бундай мисоллар юз минглаб топилади.

Бундай аҳволда кимнинг ўзбек, кимнинг тожик эканини қандай ажратиш мумкин?

Бу масалада бизнинг қатъий позициямиз шундай:

Тожикистонда истиқомат қиладиган ҳар бир инсон — қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар — у аввало Тожикистон фуқаросидир. У шу мамлакатнинг Конституцияси ва барча қонунлари талабларини бажаришга мажбур.

Яқинда Ленинобод вилоятида юз берган қонли воқеалар ҳақида Тожикистоннинг ҳукумат доиралари ва Россия телевидениеси ҳамда ахборот воситалари кўтараётган катта шов-шув ва миш-мишлар ҳақида гапирсак, мен қуйидагиларни баён этмоқчиман:

Биринчи. Қани, айтингчи, дунёда ўзининг шундоқ ёнгинасида (Тошкентдан икки юз километр нарида) танглик ва қуролли тўқнашув келтириб чиқарадиган биронта давлат, биронта мамлакат борми? Ўйлайманки, йўқ. Ахир, бу можаро тезда Ўзбекистон ҳудудига ҳам ўтиши мумкин-ку!

Иккинчи. Худойбердиев жангарилари Ўзбекистон чегарасидан ўтгани ҳақида гапирилмоқда. Ва бу ҳақда минглаб уйдирмалар тарқатилмоқда, матбуот конференциялари ўтказилмоқда, Россия телевидениеси кўрсатувлари намойиш қилинмоқда

Шу муносабат билан мен мутлақо қатъий тарзда таъкидламоқчиман:

Ўзбекистон томони Ленинобод вилоятидаги қонли воқеаларга асло иштирок этгани йўқ ва иштирок этмайди ҳам.

1994 йили Бирлашган тожик мухолифатининг етакчиларидан бири — жаноб Тўражонзода Ўзбекистонда расмий даражада қабул қилинган эди. Бу — тожикларо музокараларнинг бошида айнан Ўзбекистон турганини тасдиқлайди. Бу ҳақиқатни унутмаслик керак.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги давлат чегараси минглаб километр масофага чўзилган. Лекин бизнинг давлатларимиз ўртасида том маънодаги чегара йўқ — мен бу ерда узлуксиз чегарани назарда тутмоқдаман.

Бу — ҳаммага маълум. Ҳар қандай миллатга мансуб истаган одам ёки одамлар, гуруҳ бирон-бир йўналишда чегарани кесиб ўтавериши мумкин.

Ҳаракатни чеклаш масалаларида бу каби чегара, масалан, Чеченистон билан Дағистон ўртасида ҳам мавжуд.

Темир йўллар ва асосий автомобиль йўлларидагина постлар қўйилган. Назорат қилинмайдиган йўлларнинг эса сон-саноғи йўқ.

Шундай аҳволда ҳам, соғлом фикрловчи ҳар бир кимсага аён бўлиши керакки, минг нафарга яқин қуролланган гуруҳ — (Тожикистон расмий доираларининг гапига қараганда, Худойбердиев тарафдорларининг умумий сони айнан шунча) чегарадан ўта олмас эди. Бу — ақлга сиғмайдиган гап.

Ва ниҳоят:

Биз Худойбердиевни қўллаб-қувватлаганимизда жанубдан шимолга — Хўжандга олиб чиқувчи бутун бир ҳудудимиздан етти юз нафардан иборат қуролли ҳарбий қисм, ҳарбий составни ўтказиб юбормаган бўлардик.

Буни ҳамма билиши керак.

Тожикистон томони Турсунзода шаҳрида бир неча кун урониб битта состав тузишни эплолмади — шу ишни ҳам ўз зиммамизга олишга мажбур бўлдик.

Икки томоннинг ҳарбий тузилмалари, ҳукумат ва мамлакат раҳбарлари даражасида вазиятни атрофлича муҳокама қилиш ўрнига (воқеалар бошланган кун 4 ноябрдаёқ мен бу ҳақда шахсан Раҳмоновга қўнғироқ қилиб айтганман) Тожикистон парламенти сессиясида асосланмаган, оқибати нима бўлишини мутлақо ўйламай, айтиш мумкинки, қуруқ жазавадан иборат баёнот эълон қилинди.

Тарихи қадим ва бой, ақлзаковат ва маънавий салоҳияти юксак Тожикистондек мамлакат раҳбарияти орасида узоқни кўра олмайдиган, фикри тор, қалтабин кимсалар борлигига бугун фақат таассуф қилиш мумкин.

Биз мазкур вазиятдан чиқишнинг йўлларини қуйидагилардан иборат деб биламиз:

Биринчидан. Мен Тожикистон раҳбарияти оқилона фикрга келишига ишонаман.

Иккинчидан, иғволарга учмаслик керак. Зеро, бу можароларда олти-етти йилдан бери боши мусибат ва йўқчиликдан чиқмаётган тожик халқининг мутлақо айби йўқ.

Учинчидан. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида чегара қуриш ва уни мустаҳкамлаш зарур. Агар зарур бўлса, чегарадан ўтишнинг виза режимини ўрнатиш даркор.

Тўртинчидан. Тарихий тақдири ва маънавий анъаналари бизга жуда яқин бўлган жафокаш Тожикистон халқига ҳеч ким бизчалик, айниқса, инсонпарварлик ёрдами соҳасида кўмак бермаган. Ўзбекистон Президенти сифатида ишонтириб айтаманки, биз тожик халқига бундан кейин ҳам ёрдам бераверамиз.

Мен олдин ҳам айтганман, яна такрорлайман: ўзбек ва тожик халқи икки тилда гапирувчи бир халқдир.

Тожикистонда тинчлик ўрнатиш жараёни, мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида шахсан менинг фикримни билмоқчи бўлсалар, мен шундай деган бўлардим: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тизимлар раҳнамолигида Тожикистонда эркин демократик сайловлар қанча тез ўтказилса, шунча яхши.

Воқеаларнинг нохуш тус олишига йўл қўймаслик, айтиш мумкинки, ўзаро низонинг ўта кучайиб кетмаслиги учун Тожикистон халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиб, **қонуний, умумэътироф этган ҳукуматини** сайлаб олиши керак.

Такрорлайман, бу иш қанчалик тез амалга ошса, Тожикистон халқи учун, мазкур минтақада яшовчи бошқа халқлар учун шунча яхши бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ғ. К. Муҳамедовни Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Ғофуржон Каримович Муҳамедов Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

В. К. Михайловни Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Виктор Константинович Михайлов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 ноябрь.

Ташқи ишлар вазирининг сафари

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 24-26 ноябрь кунлари Эрон ва Покистон давлатларига ташриф буюрди.

Сафар давомида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Теҳронда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирини Эрон Ислом Республикаси Президенти Сайид Муҳаммад Хотамий қабул қилди. А. Комилов Эрон Президентига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мактубини топширди. Вазирнинг Эрон ташқи ишлар вазири К. Ҳаррозий билан мулоқотларида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласига эътибор қаратилди. Томонлар бу борада Ўзбекистон ва Эрон муносабатларининг асосий йўналишларида ўхшашлик мавжудлигини қайд этдилар. Эрон томони Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БМТ доирасида «олти қўшув икки» гуруҳининг кўчма мажлисини Тошкентда ўтказиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Исломободда А. Комилов Покистон Бош вазири Наваз Шариф билан учрашиб, унга Ўзбекистон Президентининг мактубини топширди. Ўзбекистон ва Покистон ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Комилов ҳамда Сартож Азиз ўзаро мулоқотлар пайтида Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ва осойишталикни тезроқ қарор топтириш хусусида фикр алмашдилар. Покистон томони ҳам Тошкентда ўтадиган «олти қўшув икки» гуруҳининг кўчма мажлисида қатнашишга тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг бу икки мамлакатга ташрифи Афғонистон билан чегарадош мамлакатлар ҳамда АҚШ ва Россия иштирокидаги «олти қўшув икки» гуруҳига аъзо давлатлар ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг кутилаётган учрашуви арафасида бўлиб ўтгани диққатни тортади. Зотан, Эрон ва Покистон ана шу гуруҳга аъзо давлатлардир. Халқаро кузатувчиларнинг хулосаларига қараганда эса, Эрон билан Покистон Афғонистондаги вазиятни ўзгартиришга таъсир эта олувчи мамлакатлар рўйхатининг бошида туради.

«Туркистон-пресс» НАА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 1 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	68,79	1 Норвегия кронаси	14,46
1 Австрия шиллинги	9,05	1 Польша злотийси	31,35
1 Англия фунт стерлинги	179,72	10 Португалия эскудоси	6,23
10 Бельгия франки	30,86	1 Сингапур доллари	65,82
1 Голландия гульдени	56,45	1 СДР	150,89
10 Греция драхмаси	3,79	1000 Туркия лираси	0,36
1 Дания кронаси	16,76	1 Финляндия маркаси	20,96
1 БАА дирхами	29,64	1 Франция франки	18,98
1 АҚШ доллари	108,85	1 Швеция кронаси	13,35
1 Миср фунти	31,93	1 Швейцария франки	77,18
1 Ирландия фунти	158,10	1 ЭКЮ	125,14
1 Исландия кронаси	1,54	10 Жанубий Корея вони	0,87
10 Испания песети	7,48	10 Япония иенаси	8,81
100 Италия лираси	6,43	1 Россия рубли	6,24
1 Канада доллари	70,89	1 Украина гривнаси	31,76
1 Хитой юани	13,15	1000 Белорусь рубли	1,38
1 Кувайт динори	358,84	1 Латвия лати	188,65
100 Ливан фунти	7,25	1 Литва лити	27,21
1 Малайзия ринггити	28,65	1 Молдова лейи	11,30
1 Германия маркаси	63,65	1 Қирғизистон соми	3,74

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Деновликлар газета ўқимайдими?»

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан газетанинг 1998 йил 17 сентябрь сонидаги «Деновликлар газета ўқимайдими?» сарлавҳали танқидий мақола вилоят «Матбуот тарқатувчи», «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятлари жамоалари ва тегишли мутасаддилар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ҳозирги кунда вилоятда жами 57 та газета ва журналлар сотиш дўконлари мавжуд. Уларнинг барчаси фойдаланишга яроқли.

Текшириш давомида айрим дўконларнинг белгиланган вақтларда ишламаслиги, марказий газета ва журналлар ўз вақтида етарли нусхада дўконларга етказиб берилмаслиги аниқланди. Бу масалалар тегишли мутасаддилар иштирокида вилоят ҳокимлигида муҳокама этилди. Мақолада кўрсатилган камчиликларни тузатиш ва бундан буён уларга йўл қўймаслик вилоят «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раҳбари М.Маматқуловга топширилди. Ишда йўл қўйган камчиликлари учун М.Маматқулов қаттиқ огоҳлантирилди.

Вилоят ҳокими
Ж.НОРАЛИЕВ.

Сиёсий иқлим

Котибнинг раислик «модели»

ёки тузоқнинг янги ихтироси

Москвада ўз ишини якунлаган МДҲ давлатлари ҳукумат раҳбарлари Кенгаши мажлисини жаҳон оммавий ахборот воситалари кенг шарҳламоқдалар. Айниқса, МДҲ ижрочи котиби Борис Березовскийнинг мазкур йиғилиш олдидан Ҳамдўстлик давлатларига ташрифлари ва МДҲ тузилмаларини ислоҳ қилиш бўйича илгари сурган таклифлари матбуотнинг етакчи мавзусига айланди.

Гапнинг очиғи Борис Абрамович шундай бир «сиёсий капитал» тўплаганки, унинг ўта самимийдек туюлган ниятлари ҳам барчада шубҳа уйғотади. Шу боис бўлса керак қаерда бирор сиёсий жанжал чиқадими, кимдир кимни чув туширадими, ёки бирорта қотиллик содир бўладими, қайсидир бир банк банкротга учрайдими, бирорта мансабдор ишдан кетадими, ҳатто қаердадир ёнғин чиқиб, аллақайда тўфон юз берадими — одамлар буларнинг барчасида «Березовскийнинг қўли йўқмикан» деган ўйга боради.

Энди бевосита Б. Березовский таклифлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар ҳақида гапирадиган бўлсак — бўлиб ўтган Кенгаш мажлисида «МДҲ тузилмаларини ислоҳ қилиш» ниқоби остида илгари сурилган ғояларнинг аксарияти қабул қилинмади, қолган қисмини эса умуман муҳокама ҳам қилишмади. Б. Березовский Ҳамдўстлик мамлакатларига қилган ташрифи якунида «давлат бошлиқлари биз илгари сурган таклифларни қўллаб-қувватлашди», деб берган баёноти ҳам деярли пуч нарсага айланди қолди.

Б. Березовский МДҲнинг кўпгина структураларини Ҳамдўстлик ижрокоми раиси қўл остига бирлаштириш таклифини илгари сурар экан — «раис» лавозими ўзига тегишини яшириб ҳам ўтирмади. Ижрочи котиб томонидан ишлаб чиқилган таклифларда бўлғуси«раис»га шундай ваколатлар берилганки, «бундай ваколат ҳатто БМТ Бош котибига ҳам берилмаган» деб ёзади Россия матбуоти. МДҲнинг ҳозир амалдаги тузилмасида ижрочи котиб зиммасига Ҳамдўстлик ишчи органлари фаолиятини мувофиқлаштириш юкланган. Борис Абрамович эса «Ижрочи котиб — МДҲнинг олий мансабдори бўлиб, доимий фаолият кўрсатадиган Президиум Раиси ҳисобланиши» таклиф қилган. Ўз навбатида «Раис» зиммасига, биринчидан, қўйидаги ваколатлар юклатилган: «Давлат бошлиқлари Кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши, ташқи ишлар вазирлари Кенгаши мажлислари кун тартибига муҳокама учун масалалар ва таклифлар киритиш бўйича мутлақо устун ваколатга эга». Иккинчидан, «Ижрочи котиб ўринбосарларини, ижроком тузилмалари раҳбарларини тайинлаш, Чегара қўшинлари қўмондонлари Кенгаши ва Ҳарбий ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи штаб раҳбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш мутлақо Ижрочи котиб ваколатига» киради. Учинчилан, ҳатто мустақил давлатларнинг МДҲ тузилмаларидаги вакиллари ҳам «Ижрочи котиб розилиги билан» тайинланиши қоида тарзида киритилган. Ижрочи котибнинг режасига кўра Трансмиллий характерга эга бўлган энергетика системаси, транспорт, алоқа, газ ва нефть тармоқлари фаолиятини «мувофиқлаштириш» ҳам жаноб Борис Абрамовичнинг «ваколат доирасига» қўшиб берилиши керак. Агар айни шу ҳолатни бирор чапанироқ отахонга тушунтириб, хўш бунга сиз нима дейсиз, деб сўрасангиз: «Ў, баччагарнинг иштаҳасини қаранг» деган жавоб олишингиз тайин.

Албатта, хаёл бошқа, ҳаёт бошқа. МДҲ тузилмаларини ўзгартириш бу бир шахснинг (у иқтисодий ёки сиёсий жиҳатдан қанчалик қудратли бўлмасин) иродасига боғлиқ иш эмас. Аниқроғи бу Давлат бошлиқлари Кенгаши ваколатига киради ва шунда ҳам янги тузилмата қўшилиш ёки қўшилмасликни ҳар бир давлат мустақил равишда ўзи ҳал қилади.

«Березовский модели»га қўшилган давлатни мустақил мамлакат эмас «собиқ иттифоқ ҳудудида барпо этилган инвестицион фондининг пайчиси» дейиш тўғри бўлади, деб киноя билан ёзган журналистнинг фикрига кимдир қўшилар, кимдир уни рад этар. Аммо гап бунда эмас. Масаланинг моҳияти анчагина чуқур. Уни киноя, шаъма ёки таъна-дашном билан ифода қилиб бўлмайди. Коммунистлар собиқ империяни тиклаш ҳақидаги хом-хаёлларини очиқ-ойдин айтишаётган, фашистик руҳдаги шовинистлар ўта тажовузкор даъватлар билан чиқишаётган бўлишса — яна бир қуч борки, у — фақат кўзга кўринмас тузоқ қўйиш билан овора. Тилда давлатлар мустақиллиги эътироф этилади, коммунистлар ва шовинистларга қарши баёнот берилади, дилда эса зимдан ўргимчакдек тўр тўқиб, тузоқ қўйилади. Ҳар қандай тузоқнинг кўринарли жойида ширин бир луқма бўлади. Тузоқнинг ўзи эса айсбергга ўхшайди, озгина жойи ялтираб кўзни қамаштиради, ёнига борсанг, урилиб мажагинг чиқади.

Тўғри МДҲнинг ҳозирги ҳолати кўпчиликни қониқтирмаяпти. Қабул қилинган қарорлар, имзоланган битимлар ижроси кўпинча декларатив характердан нарига ўтмаяпти. Бироқ бу МДҲ ва тасдиқланган низом имкониятлари ўзини оқламади дегани эмас.

МДҲни маълум бир сиёсий гуруҳлар манфаатига мослаб «ислоҳ» қилишга ҳаракат биринчи марта бўлаётгани йўқ. Аввал ҳам турли «иккилик», «тўртлик» ва «божхона иттифоқи»га ўхшаш тузилмалар шаклида ва «муносабатларни мувофиқлаштириш» ниқоби остида узоқни кўзловчи сиёсий ўйинлар қилинган эди. Аммо орадан ўтган вақт бундай «иттифоқ»лар мавжуд муаммолар ечимидан кўра кўплаб қўшимча зиддиятлар туғдираётганлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда «Иттифоқчи»лар бир-бири билан муносабатларини турли тазйиқ, таъна-дашном ва баъзан дағдаға билан «ойдинлаштириш»га уринаётганликлари ҳам Россия матбуотида тез-тез тилга олинаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айнан давлатлар устидан суверинететни чекловчи турли сиёсий маҳкамаларни ва «иттифоқ»ларни тузиш сиёсати энг эзгу мақсадларни ҳам йўққа чиқараётганлигини бир неча бор таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбари: Ўзбекистон ўзи танлаб олган йўлдан ҳеч қачон орқага қайтмайди. Бу — мустақиллик, муносабатларда тенглик ва манфаатли ҳамкорлик йўлидир. Интеграцияни чуқурлаштиришни МДҲ доирасида амалга ошириш керак. Мустақил давлатлар устидан яна аллақандай «тузилма»ларни вужудга келтириш, ўз халқининг муаммо ва ташвишлар қолиб, ўзгаларга «халоскорлик» қилиб, одамларни амалий ишлардан чалғитишнинг ҳожати йўқ, деган очиқ ва қатъий фикрларни билдирган эдилар. Энг муҳими мавжуд барча муаммоларни, жумладан иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштиришни МДҲ доирасида ҳал қилиш имкони борлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Б. Березовский журналистларга берган интервьюсида: «МДҲ фаолиятини депсиниб турганининг асосий сабаби — бир жойдан бошқариладиган ягона марказий органнинг йўқлигидир» деган фикрни билдирди. Сўзининг охирида ҳозир ана шундай «мувофиқлаштирувчи орган» тузиш билан бандлигини билдирган. Чунки, шундай «орган» тузилса иқтисодий инқироздан «ҳамма баравариг» чиқиб кетиш имкони туғилар эмиш. «Раис»ликни кўзлаётган ижрочи котибнинг бундай важ-карсонларини эшитиб донишмандларнинг: «ҳар қандай янгилик, унутилган эскиликдир» деган сўзлари эсга тушади. Бугунги МДҲ халқлари Кремлдаги «марказий орган» томонидан яқин ўтмишда 70 йиллан зиёдроқ бошқарилдилар, ўша сиёсат асоратлари бўлган иқтисодий, сиёсий бўҳроннинг салбий оқибатларини ҳали-ҳануз сезиб турибдилар. Ҳуллас тарихда кўп маротаба такрорланганидек — халқ манфаатларининг ҳақиқий фидойиларидан кўра, маълум бир гуруҳлар манфаатини кўзловчи сохта халоскорлар тез-тез чиқиб туришини «Ислоҳотчи котиб» тимсолида кўриб турган бўлсак ажаб эмас.

Жалолиддин САФОЕВ

Янги ҳукумат тузилди

Латвия парламенти Вилис Криштопанс раҳбарларлигидаги янги ҳукуматни тасдиқлади. Янги маҳкаманинг барча 16 вазири марказ камчилик партиясининг вакилларидир. Улар орасида «Латвия йўли», «Янги партия», «Ватан ва озодлик» партияларининг вакиллари бор.

«Озодлик»

Ишончсизлик билдирилди

Яқинда Туркия Бош вазири Месут Йилмаз Президент Сулаймон Демирэль номига ариза ёзиб, ўзини истеъфога чиқаришни сўради. Мамлакат ҳукуматига парламентда ишончсизлик билдирилгандан сўнг у шундай қилишга мажбур бўлди. Месут Йилмаз олий даражадаги коррупцияда айбланаётган эди. Бош вазир бу айбловни рад этган бўлса-да, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг маглубиятини тан олишга мажбур эди. Президент Сулаймон Демирэль эса яқин кунларда янги ҳукумат тузишга тайёр эканлигини билдирди. Айни пайтда бу партияларнинг раҳбарлари билан бу борада музокараларни бошлаб юборди деб таҳмин қилинмоқда. Янги ҳукумат тузилгунча Йилмаз ўз вазифасини бажариб туради.

«Би-Би-Си»

Ўзаро алоқалар очилди

Амстердам, Брюссель ва Люксембург ўз вакилларини бир-бирларининг бозорларига киритишга қарор қилишди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Амстердамдан хабар қилишича, фонд биржалари келгуси йилнинг 4 январидан бошлаб ўзаро алоқаларни йўлга қўйишга қарор қилишди. Яқин келажакда ушбу уч биржа савдо қоидаларини ишлаб чиқишади. Шу ҳафтанинг охирида Ғарбий Европанинг 9 та йирик фонд биржаси вакиллари Парижда тўпланиб, ягона Европа фонд бозорини ташкил этиш режалари ҳақида маслаҳатлашиб оладилар.

«Озодлик»

Шубҳа бежиз эмасга ўхшайди

Жанубий Корея ҳукумати КХДР ўз ядро дастурини давом эттираётгани масаласини БМТ муҳокамасига қўйиши мумкин. Бунинг сабаби Шимолий Корея маъмуриятининг Кумчанни туманида қурилаётган ерости объектини текшириш учун бу ерга кузатувчиларни киритишга рад жавоби берганидир. Бу объектнинг КХДР ядровий дастурига алоқадорлиги тўғрисидаги АҚШ маъмурияти бир қанча муддатдан буён шубҳа билдириб келаётган эди. Энди унинг сафига Жанубий Корея ҳам қўшилганга ўхшайди.

«Интернет»

Навбатдаги суиқасд

Афғонистон чегарасидан 70 километр наридаги Гаусобод шаҳрида толибларга қарши ҳаракат вакилларидан бирига нисбатан навбатдаги суиқасд уюштирилди. Бу сафар Афғонистон Ислом партиясининг вакили таниқли қўмондон Саркотиб қотилларнинг қурбони бўлди. Маълумки, у Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр раҳбарлигидаги партиянинг аъзоси эди. Террорчилар Саркотибнинг уйига босқинчиларча бостириб кириб, тартибсиз равишда ўқ уза бошлашди. Натижада унинг тан қўриқчиси ҳалок бўлди. Саркотибнинг ўзи эса ўта оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Айни пайтда Покистонда яшаб турган Афғонистоннинг кўзга кўринган жамоат арбоблари ва ҳарбий бошлиқлари ҳаётига қилинаётган суиқасдлар ва террорчилик ҳаракатлари сурункали равишда давом этмоқда. Бироқ, полиция ушбу жиноятларнинг бирортасини ҳам фош этишга эриша олмади. Афғонистонлик қочоқлар ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари бундай ҳаракатларни фақат толибонлар вакиллари амалга ошириши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

РИА «Новости»

Уятли хатти-ҳаракатлар

Жакартада юз берган христиан черковларининг таланиш ва ёқиб юборилиш ҳодисасини Индонезия Президенти Ҳабибий «кечириб бўлмас ва уятли хатти-ҳаракатлар» деб баҳолади. Маълумки, 22 ноябрь куни Индонезия пойтахтининг марказий туманларида мусулмон ва католикларнинг тўқнашуви содир бўлган эди. Ушбу тўқнашув натижасида христианларнинг 22 черкови, протестант ва католикларнинг бешта мактаби таланган ёки ёқиб юборилганди.

«Интернет»

1 декабрь – Умумжаҳон СПИДга қарши курашиш куни

Бугун Умумжаҳон СПИДга қарши курашиш куни нишонланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ВИЧ/СПИД Дастури ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, 1998 йил охирида дунё бўйича, ВИЧ инфекция юққан беморлар сони 33,4 миллионга етади. Бу ўтган йилдагидан 10 фоизга ортиқ. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида ВИЧ инфекцияси билан янгидан касалланганлар қайд этилмоқда. Жорий йил давомида ушбу хасталикдан нобуд бўлганлар сони 2,5 миллионга етиши, 5,8 миллион кишига касаллик юқиши кутилаяпти. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар дақиқада 11 киши (эркаклар, аёллар ва болалар)га касаллик юқаяпти ёки уларнинг кундалик сони 16000 га бораяпти.

Шарқий Оврўпо ва Марказий Осиёда 90-йиллар бошидан шу кунгача 270000 ВИЧ/СПИД касаллиги қайд этилган. 1998 йилнинг ўзида 80000 одам касалликни юқтириб олади деб ҳисобланаяпти. Ҳозирги кунда Украинада ВИЧ инфекция бўйича ғоят мураккаб эпидемик вазият юзага келди. Сўнгги 5 йил давомида Россия Федерацияси, Белорусь, Молдова ва Қозоғистонда беморлар сони сезиларли даражада ортди.

Ўзбекистонда ҳозирги кунга қадар 48 та ВИЧ/СПИД юққан бемор рўйхатга олинган. Республикада бу касаллик тарқалиши дастлабки босқичда деб ҳисоблаш мумкин, лекин яқин келажакда унинг тез тарқалишидан дарак берувчи аломатлар мавжуд. 1997-1998 йилларда Тошкент шаҳрида Халқаро маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган текшириш натижалари шундан далолат беради. Шприц ёрдамида гиёҳванд моддаларни қабул қилувчилар орасига ушбу инфекция тушгудек бўлса, яқин 2-3 йил ичида уларнинг 40-60 фоизига ВИЧ инфекция юқиши ва тарқалиши мумкин. Жинсий йўл билан тарқаладиган таносил касалликларининг сезиларли даражада кўпайгани ҳам ВИЧ инфекция ортиб бориши эҳтимолидан дарак беради.

Асосан ёшлар ВИЧ инфекция қурбони бўлаётгани ғоят ачинарли. Уларнинг мамлакат иқтисодини кўтарувчи асосий таянч эканини эътиборга олиб, таназзул рўй беришини кутмасдан ҳаракатни кучайтиришимиз лозим.

Янги дори-дармонлар пайдо бўлганига қарамай, ВИЧ инфекцияси билан боғлиқ муаммолар тугагани йўқ. Бу препаратлар беморнинг умрини узайтириши мумкин, аммо инфекциядан халос қилмайди.

ВИЧ/СПИД билан курашишнинг асосий воситаси профилактика. Бунинг учун аҳолининг кенг табақалари, аввало ёшларга ВИЧ инфекцияга хос ҳусусиятларини ўргатиш, тарқалиш йўллари, олдини олиш усуллари тўғрисида аниқ маълумот бериш талаб қилинади. Ёшларга ахлоқий тўғри тарбия беришга эътиборни кучайтирайлик. Касаллик юқиб қолганларга нисбатан ҳамдард бўлайлик.

Профилактик тадбирларни кенг кўламда олиб боришда ҳокимликлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари, Оммавий ахборот воситалари, Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бизга кўмакдош бўладилар, деб умид билдираман.

Феруз НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

Бугунги Париж

Хорижий сармоялар самараси

Кейинги йигирма йил ичида Хитойда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун унинг иқтисодиётига 560 миллиард доллардан зиёд хорижий сармоялар келтирилди. Бу ҳақда Хитой Миллий ташқи савдо ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги хабар берди. Ўтган давр мобайнида 320 мингдан зиёд қўшма корхоналар ташкил этилди. Кейинги беш йил давомида Хитой хорижий сармояларни жалб этиш борасида Америка Қўшма Штатларидан сўнг иккинчи ўринда туради.

«Озодлик»

Халқаро шартнома имзоланмоқчи

Ҳиндистон ядро синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги халқаро шартномага қўшилишни мўлжалламоқда. Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важпаи девонхонаси вакили журналистлар билан учрашувда шундай деди. Хабарда айтилишича, БМТнинг навбатдаги сессияси бошланишига қадар, яъни 1999 йилнинг сентябрига бориб Ҳиндистон мазкур шартномани имзолаши мумкин.

«РАТА-ТАСС»

Президент рафиқаси – муҳаббат, ҳокимият ва ўзи ҳақида

Челсининг авлодлари

Хиллари ва Билл Клинтон машинада кетишарди. Монтанадаги ёнилғи қўйиш шаҳобчасида тўхташди. Президент биларди шу ерда ишловчи ходимлардан бири маликанинг илк муҳаббати. «Кўрдингми, азизим, қаерда яшаган бўлардинг, менга турмушга чиқмаганингда» деб қўйди Билл. «Йўқ, азизим, у ҳозир Оқ уйда яшаётган бўларди» деб айтади малика.

Бу ҳангомани хушловчи америкаликлар мамлакатнинг иккинчи муддатда давлатни бошқараётган 42-Президенти ва унинг оқила, истеъдодли, сабр-бардошли аёлига ҳурмат билан қарайдилар.

Агар у шу қадар фозила бўлса, нега ўзи шу пайттача ҳукуматни идора қилишга интилмайди? Ёки Хиллари Клинтоннинг орзуси фақат Президентга рафиқа бўлишми? Мухбиримиз шу ҳақда Американинг биринчи маликаси билан суҳбатлашди.

Ҳаммаси шундай бошланганди

1974 йилда 35 нафар ёш ҳуқуқшуносларнинг қаторида Йелснинг битирувчиси, юридик фанлари доктори Хиллари Родэм ҳам бўлажак суд процессига далил ва исботлар тўпларди. Маълумки, Американинг республикачи Президенти Ричард Никсон билан «ҳамкасб» — демократлар ўртасидаги келишмовчилик судлашиш билан якунланганди.

— Ишни бориш жараёнида мени ҳайратлантиргани бундай ҳукумат қандай «яшаган»... Мен ўшанда Уотергейтеда иштироким «тўмтоқ қурол билан уриш» каби қабул қилинишини олдиндан билганимда ҳам барибир команда сафидан чиқмасдим.

Никсон ўшанда ҳайрат аралаш ўтдай чақнаб у ҳақида шундай деганди: «Аёллар ақлли бўлиши керак, лекин у аёлчалик ақлли бўлиш...»

1974 йилда Хилларини билган одамлар унинг беназир заковатини шунчалик баҳолай олишмагандир. Чунки у Арканзасдаги ҳаётини ёрқин келажакли Вашингтон билан боғламасмиди? Лекин Хиллари Йелс битирувчиси Билл Клинтонни севарди. Улар бошқа-бошқа яшай олишмасди.

— Биз аввал ярим йил маҳаллий университетда ўқитувчилик қилдик, кейин оила қурдик. Студентлар мени баъзида калака қилишганини сезардим. Чунки мен замонавий русўмда кийинишга интилмасдим. Оддий матодан тўқилган камзул киярдим. Ҳатто одми кийинишнинг нимасидан кулишларини тушунмасдим. Нимаси ёмон?

Агар Биллга кўп сонли ишқий саргузаштлар «осиларкан», очиғи улар бари жиддийроқ ўйлашга арзимайдиган нарсалар. Бизнинг оиламиз рисоладагидек хонадон, кўпчилик афсус бу ҳақиқатни тан олишни истамайди.

— Ҳозирги кунда Моника Левин ҳатто ҳамма Клинтонлардан ҳам машҳур бўлиб кетди. 1992 йилги сайловолди компаниялари тугаш арафасида Билл Клинтон демократлар ичидан сайланган ёлғиз номзод эди. Ўшанда американликлар Женнифер Флаурэс ҳақида «билди»...

— Ўша кези мен ҳеч қандай ортиқча машмашалар бўлишини истамадим. Телеэкран орқали американликларга қарата мурожаат қилдим: оиламиз рисоладагидай хонадон. Узоқ йиллик оилавий ҳаёт тарзимизда муаммолар бўлгандир, лекин бундай жузъий хатолардан фил ясаш, шов-шув кўтариш керак эмас.

Барибир Билл Президент бўлди, чунки американликлар зукко-зийрак одамлар.

— Кейин янги 30 нафар аёллар «рўйхати» пайдо бўлди: рафиқангизнинг дўстлари ва қоровуллар, замонавий дўконларнинг сотувчилари, тасодифий нотанишлар.

— Ўйлайманки, сиз аёл сифатида мени тўғри тушунасиз. Ўта нозик, яъни эрингизнинг ўйнашларига тааллуқли масала...

Агар Биллга «осилаётган кўп сонли маъшуқаларга келсак. Очиғи, бу ишқий саргузаштларнинг бирортаси жиддий ўйлашгаям арзимас шов-шувлар, деб биламан. Айтганимдай, оиламиз ҳавас қилса арзигулик бахтли хонадон. Негадир кўпчилик айнан шу ҳақиқатни тан олишни хоҳламайди. Тааж-жубланарлиси, эримнинг жазманлари негадир Биллнинг ҳаётида муҳим сиёсий вазиятда, ҳал этувчи дақиқаларда лоп этиб «пайдо» бўлишади.

Булар бари шунчаки рўй бераётгани йўқ. (Флауэрс ўзининг «борлигини» биринчи сайлов олдидан, Пола Жонсон иккинчи сайлов олдидан, Моника Левин бўлса учинчи сайлов олдидан пайдо бўлишди?)

Ҳақиқатдан ҳам Клинтоннинг уй ходимаси билан бўлган воқеага келсак, Хиллари бу воқеага аёл сифатида ўта совуққонлик билан қарайди. Бу воқеа Билл Клинтоннинг мухолифлари назарида ўша жонон аёлни Клинтоннинг севимлисига айлантириб оқила Хилларини айёр, ўзининг ҳуқуқий иш тажрибаларини нималаргадир ўровчи инсонга айлантириб қўйишади.

2000 йилдан кейин ҳам Американинг «янги авлоди» нимадир пиширадими? Билл ҳам қонунда кўрсатилганидек учинчи бор президентликка сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Гап-сўзларга қараганда, бу гал у вице-президент Ала Горанинг номзодини сайловга қўймоқчи. Унинг ўрнини эса, ўзи эгалламоқчи. Қизиқ, у бу масалада хотинининг ёрдамига муҳтож бўлармикан? Чунки яқинда бўлажак сайловлар олдидан уюштирилган кўп сонли гуруҳлардан иборат йиғилишларда аёллар ҳаракатидан президентликка яъни, аёллар орасидан президентликка сайлаш ҳаракатида айнан у — ғалаба қозонди.

— Мен 2000 йилдаги президентликка сайловга ўз номзодимни қўяманми? Биз бу ҳақда яна гаплашамиз. Мен кўп фарзанд кўришни жудажуда истагандим. Афсус бунинг иложи бўлмади. Челси назаримда энг яхши фарзандларнинг яхшиси, мен учун.

Клинтонлар келажак ҳақида гап кетса, албатта, қизлари Челси ҳақида гапиришади. Уларнинг таъкидлашича, Челси келгусида «Челсининг авлодини тарбиялашга, вояга етказишга қодир инсон».

— Мен ҳаётимиз рисоладагидек давом этишининг тарафдориман ва шунинг учун курашаман. Мен қизимга ишқ-муҳаббат бобида ўта зийрак ва эҳтиёткор бўлишини уқтираман. Шу ўринда ҳукумат учун катта курашлар кетишини ҳам, яъни муҳаббат ниқоби остида бўладиган машмашалар ҳукумат тепасидан келгусида билишадики, фарзандлари доимий назорат остида.

Американинг биринчи маликасини болаларига кергича оналик меҳрини беролмаётганлик ташвиши қийнамасмикан? Айтишадику, аёл учун энг оғир таъна бу «ёмон она» демакдир. Оқ уйдаги яхши она бу Чилсининг иккинчи онаси Горадир.

Албатта, мени бошқа оналар қатори қийнайдиган, ҳамиша ўйлантирадигани фарзандим Челсига кергича эътибор қилаяпманми? Ҳозир у студент. Унинг ўз шахсий ҳаёти бор. Олдинлари биз ҳаётимизни унга бағишлардик. Отаси иккиси биргаликда дахшатли киноларни мароқ билан томоша қилишарди. Қизим иккимиз бирор нарса пиширишга уннардик. Айниқса биз Рождество байрам дастурхонига нимадир пиширишга одатлангандик.

«тушуриш» учун бир ниқоб эканлигини ҳам айтиб бораман. Унинг дўстлари ким, кўпми? Қачон турмушга чиқади? Бу хусусда яхшиси унинг ўзидан сўраган маъқул, деб биламан. Энг асосийси унинг ҳаётида ҳамиша сайлаш имкони бўлсин.

Маликанинг хоҳиш-истаги келажакда унинг қизи (қачонлардир унинг ўзи ҳам) ўзининг қадр-қимматини нимага қодирлигини ўзи билсин. Ўзининг ақл-заковатига ўзи қаттиқ ишонсин. Ана ўшанда исталган пайтда, исталган сайлашда ютуқ уники бўлади. Ҳозирча, Челси чуқур билим олаяпти. Қачонки бу билим унинг ақл-заковатини чархлайди. Зотан, бу оқилалик фазилатини ҳеч ким, ҳеч қачон ундан тортиб ололмайди. Россиялик ёшларга ҳам шундай фазилатлар жуда зарур.

— Россияга ёрдам қилиш учун Америка ҳукумати махсус дастур ишлаб чиқди. Дастур Россияда демократияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун 13 миллион доллар маблағ ажратган. Шу жумладан, ёшларнинг яхши билим олишларига ҳам шу маблағдан сарфланади. Сизларда истеъдодли ёшлар жуда кўп. Уларга ёрдам ҳамда қўллаб-қувватлаш керак. Шу ёшлар вақти келиб ҳамма-ҳаммага ёрдам беради.

Екатерина БИЧКОВА,
«Аргументы и факты»

Журналист муаммо қўяди

Шоли қатаган бўлса, паловхонтўранинг ҳоли не кечади?

Ўзбек хонадонида бугдойдан сўнг энг кўп ишлатиладиган дон шоли десак хато бўлмас. Зеро, гуручли таомларнинг кўплиги жиҳатдан ҳам бизнинг ошхоналаримизга тенг келадигани камдир. Айниқса, таомлар султони-паловсиз ўзбекона меҳмондорчиликни тасаввур этиб бўлмаслигини яхши биласиз. Шу боис шоли етиштириш қадим замонлардан буён деҳқончилигимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган. Фарғона водийсида эса шолининг девзира, ўзган, хўраки, дастасариқ каби ноёб навлари кўплаб экиб келинган. Шуни таъкидлаш лозимки, девзира, дастасариқ навлари фақатгина Фарғона водийсида маҳаллийлаштирилган, бу навлар дунёнинг бошқа бирор жойида экиб, парваришланишини эшитмадик... Девзира гуруч донасининг узунлиги, мағзининг хушхўрлиги, айниқса миллий таомимиз паловга мослангани билан ажралиб туради. Ҳа, лаганга сузилгач, ҳар бир донаси алоҳида-алоҳида турадиган, мой ва зирвак сувини эмиб, салкам чигитдай бўлиб кетган девзира гуручли паловни емабсиз, дунёга келмабсиз...

Яқинда Фарғона бозоридаги гуруч расталарини айландим. Аксарияти, Хоразм, Қорақалпоғистондан келтирилган, турли навдаги гуручлар. Девзира гуруч камроқ. Девзира гуруч сотаётганларнинг аксарияти қўшни Қирғизистондан келгани сезилиб турибди. Оддий Хоразм гуручларининг килоси 90-100 сўм бўлгани ҳолда девзира гуручни 200-250 сўмдан сотишяпти. Нега девзира гуручнинг кони бўлган Фарғонада девзиранинг баҳоси бу қадар баланд?

— Бу йил шоли экишга рухсат бўлмади бизда, — деди деҳқонлардан бири. Тўғри, нафақат Фарғона вилояти, балки бутун водийда ўтган йилга нисбатан 1998 йили шоли жуда оз миқдорда экилди. Жамоа хўжаликларига шоли учун буюртма берилмади. 1997 йили вилоятда 1241 гектар ерга шоли сепилиб, 6459 тонна ялпи ҳосил йиғиштириб олинган эди. Бу эса вилоятнинг шолига бўлган эҳтиёжини тўликроқ таъминлаш имконини берган, бундан ташқари минглаб чақирим олисдан, катта харажат билан водийга олиб келинадиган гуручга нисбатан, Фарғонада етиштирилган гуруч арзон эди. Иккинчидан, Фарғонада арпа-буғдойдан бўшаган ерларга ҳам такрорий экин сифатида шоли экиш тажрибаси қўлланила бошлаган ва ўтган йили шундай майдонлардан 3700 тоннадан ортиқ шоли етиштирилган эди.

Хўш, фарғоналикларнинг шоли етиштиришдан тўсатдан воз кечишлари сабаби нимада? Ахир, бу ерда шоличилик борасида асрий тажрибалар тўпланган, миришкор деҳқонлар гектаридан ҳатто 60-70 центнерга етказиб ҳосил етиштирардиларку? Албатта, бунинг ўз зарурий сабаблари бор. Масалан, шоли суғоришга жуда катта миқдорда сув сарфланади. Бу эса пахта ва бошқа экинларни суғоришга салбий таъсир кўрсатиши аён. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, кейинги йиллари ғўза вегетацияси даврида айрим сабаблар боис вилоятда сув танқислиги пайдо бўлаётгани сир эмас. Бундан ташқари сув етказиб бериш техникасининг эскиргани, ёнилғимойлаш материалларининг нархи ошгани ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

— Марказий Фарғона ерларида хўжалигимиз деҳқонлари шоли экишарди, — дейди Фарғона ўрмон хўжалиги бошлиғи Муҳаммадали Розиқов, — аммо, сув танқислиги, чуқур зовурлардан техника ёрдамида сув тортиш харажатларининг кўтарилиши боис икки-уч йил бурун шоли экишдан воз кечганмиз.

Бироқ, бундоқ дўппини олиб қўйиб, астойдил ўйланса, Фарғонада шоли экиш имконлари борлиги равшан бўлади. Маълумки, шоли асосан Марказий Фарғонанинг янги ўзлаштирилган ерларида, Сирдарё ҳавзаларида етиштирилади. Шоли сув танламайди. Оқова, зах сувлари билан ҳам суғораверіш мумкин. Марказий Фарғона эса водийдаги барча зах, зовур сувлари оқиб тушадиган ўзига хос пастлик. Марказий Фарғона ерларини кезсангиз худди шахмат тахтаси чизиқларидай бир-бирини кесиб ўтган сон-саноқсиз зовурларни кўрасиз. Зах сувлар ўта сероб бўлган Ёзёвон туманида ўтган йили фақат жамоа хўжаликларининг ўзида 375 гектар ерга шоли экилган эди. Бир гектар-ярим гектар ерларга шоли эккан ижарачилар ҳам беҳисоб эди.

Бу йил эса шу туманда 410 гектар ер экилмай қолиб кетган. Ҳолбуки маълумотларга қараганда Ёзёвондаги 625 гектар ерда шолидан бошқа экин етиштириш деярли мумкин эмас. Чунки бу ерларда ер ости сувлари жуда юза, тупроқ ўта шўрланган. Хўш, бу ерларга шоли экишни тақиқлашдан кўра уни сув билан таъминлаш чораларини излаш маъқул эмасми? Шундай ерларга экилган пахтадан эса... 10 центнердан ҳосил олинаётир! Ердан фойда ўрнига... зарар олинмоқда!

Қимсанбой ота Аҳмадалиев Ёзёвон туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалигида яшайди. Нафақахўр бўлсада, ҳали куч-қуввати бир йигитникидан қолишмайди.

— Қишлоғимиз ҳудудидаги бўрдоқичилик корхонасига қарашли ерларга тоза сув келадиган ариқ билан зах сув оқадиган зовур орасида эни уч-тўрт метр, узунлиги 300-400 метрли, қуйига қараб кетган тасмасимон бўш ер бор эди, — дейди у. — Шу ерга шоли экиб юрардим. Шолини фақат сизот сув билан суғорардим. Шу бир парча ердан 200-300 килограмм шоли олардим. Ҳарна-да. Бироқ, бу йил «шоли экилмасин» деган буйруқ келди. Натижада ўша ер бўш қолди. Аслида у ерга оқар сув ишлатмасдик. Шу қишлоқлик И. Умаров ва бошқалар ҳам бу йил «юқоридан буйруқ борлиги» сабабли шоли эка олмадилар.

Вилоятнинг бошқа қатор туманларида ҳам шундай аҳвол мавжуд. Ўтган йили Бувайда туманида 113 гектар, Данғара туманида 111, Охунбобоев туманида 112 гектар ерга шоли экилган эди. Бу йил эса бу туманлардаги жамоа хўжаликлари бир гектар ерга ҳам шоли экишмади. Данғара туманидаги Х. Худойбердиев номли жамоа хўжалиги, «Сирдарё» ширкатлар уюшмаси, Фурқат туманидаги «Қўқон» жамоа хўжалиги каби ўнлаб, илгари шоли етиштириб келган хўжаликлардаги пахта ва бошқа экинлар экишга яроқсиз. ер майдонлари бўш, қолиб кетди. Ҳолбуки, бу ерларда йилига тонналаб шоли етиштирилар эди. Марказий Фарғонанинг Аччиққўл мавзесида ҳам кўплаб шўр, зах ерлар қаровсиз қолди.

Йилига эл дастурхонига анча-мунча юқори сифатли гуруч етказиб берадиган бу ерларни энди қамиш-куроқ босиб ётибди...

— Бизга чегарадош бўлган Наманган вилоятининг туп-роқ таркиби, мелиоратив ҳолати бизникига ўхшаш ерларида ижарачилар ҳар гектар ердан 11 тоннадан, яъни 110 центнердан девзира шоли етиштиришганига гувоҳман, — дейди бувайдалик журналист Отабек Раҳмонов. — Кейинги йилларда туманимиз миришкорлари ҳам арпа-буғдойдан бўшаган майдонларга шоли кўчати экиб, мўл ҳосил олишаётганди. Ҳа, ажабланманг, шоли ҳам кўчат қилинаётганди. Шоликорлар одатда апрель-май ойларида бир-икки сотих ерга қалин шоли уруғи сепишади. Устириб парваришлашади. Июль ойлари бошларидан эса буғдойдан бўшаб қолган ерларга ўша шоли ниҳоллари кўчирилган ўтказила бошланади. Бир сотих ердаги кўчат 3 гектар ерга етади. Жадал парвариш, вақтида ўғитлаш туфайли бу ерларда кузда мўл шоли ҳосили тайёрланарди. Энди эса...

Аслида бу ҳам ўрганишга, кенг ёйишга лойиқ тажриба эмасми? Вилоятдаги юзлаб-минглаб гектар арпа-буғдойдан бўшаган майдонларда иккинчи ҳосил — шоли етиштириш қишлоқ хўжалиги тараққиётига фақат фойда келтирадиган ташаббус эканлиги шубҳасиз.

Кўпгина мутахассислар билан суҳбатларда шунга амин бўлдимки, Фарғона водийсида шоли етиштиришни тақиқлаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Пахта ва бошқа экинларга яроқсиз ерларда ёзда томчиси тиллага тенг бўладиган дарё, канал сувларидан фойдаланмасдан, зовурларнинг зах сувлари билан суғориб ҳам мўл шоли ҳосили етиштириш мумкинлигини улар таъкидламоқдалар. Бизнингча, вилоятдаги мавжуд ер майдонларининг тузилиши, уларни сизот сувлар билан таъминлаш имкониятларини пухта ўрганиб чиқиш, шоликор учун ер ажратиш имконини излаш лозим. Бундай ерларда ота-боболаримиз анъаналарига кўра шолини «қора сув», яъни сизот, зах, зовур сувлари билан суғорилса ҳам мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин. Шундай тадбирлар кўрилмаган тақдирда шолининг девзира, дастасариқ, хўраки каби водийда экиладиган навлари тақдири хавф остида қолиши мумкин. Бундан ташқари, навидан қатъи назар, халқимиз кўп ва хўп истеъмол қиладиган гуруч маҳсулоти расталарда кўпаяди, нархи эса арзонлашади-ку! Вилоятнинг тегишли ташкилотлари қоларверса Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутасаддилари, мутахассислар бу борада ўз фикрларини айтишар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Қилмиш-қидирмиш

«Бўри»лар қопқонга тушди

Тоғли ҳудудлардаги яйловларда қўй-қўзиларга ахён-ахёнда оч бўрилар ҳужум қилиб, нобуд қилаётгани ва еб кетаётганлигини эшитиб қоламиз. Бундай пайтларда чўпон-чўликларга қийин бўлишини дилдан ҳис қиламиз. Ахир, бозор иқтисодиёти шароитида қўй-қўзиларнинг нархи чўнтакни тешиб юборади. Шундай бўлсада, жониворларга харидор кўп, бозори чаққон. Бу табиий ҳол.

Жомбой туманидаги Усмон Носир номли жамоа хўжалигининг 7-бригадасида яшовчи Неъмат ака ва Яхшибой боболар шу йилнинг 14 ноябрь куни эрта тонгда туриб қўй-қўзиларини далага ҳайдашмоқни мўлмиди. Не кўз билан кўришсинки, қўрада жониворлардан туёқ ҳам қолмаганди. Қўраларнинг эшиклари ланг очиқ эди... Оила бошлиқлари бу кўнгилсизликдан ҳангу-манг бўлиб қолишди. Ўзларини ўнглаб олиб, қўй-қўзиларини излашга тушишди. Ёру дўст, оғайни-қариндошларига хабар берди. Уларнинг пешинга қадар елиб-югуриши натижа бермади. Шунда молларимизга бўрилар эмас, икки оёқли «бўри»лар текканга ўхшайди, дея туман ҳокимлиги ички ишлар бўлимига мурожаат қилдилар.

Бўлимда ички ишлар ходимлари, тажрибали ва билимли милиционерлар — Собир Шермамедов, Абдувоҳид Пайшанов ва Олим Давлатовлардан иборат тезкор гуруҳ тузилди ва ўша саотдаёқ ишга киришилди. Гуруҳ аъзолари воқеа содир этилган жойни синчиклаб ўргандилар ва ўғирлик содир этилган, деган хулосага келишди. Тезликда суриштирув ишлари бошланди...

Тошкент — Самарқанд йўлининг Булунғур тумани Фозил Йўлдош номли жамоа хўжалигидаги йўл четида жойлашган ошхонада ишловчи Нурали Эргашев 13 ноябрь куни тунда номаълум шахслар катта йўлдан бир тўда қўй ҳайдаб ўтганлиги ва улардан анча арзон нархда — 9 минг сўмга битта қўчқор сотиб олганлигини айтди. У шахсларнинг ёшлари 25-30 ёшлар атрофида бўлиб, ўзбек миллатига мансублигини, қўйларнинг «эга»лари молларни Булунғур тумани «Ғўбдин» жамоа хўжалигидаги оғайниларникига олиб бораётганлигини айтишганлиги ҳақида маълумот берди.

Шу жойда «бўри»лар Нуралини чалғитган ва алдаганди. Унинг кўзи олдида қўйларни «Ғўбдин» жамоа хўжалигининг Ингичка қишлоғигача ҳайдаб, кейин яна катта йўлга чиқади ва Бахмал тумани ҳудудига кириб боради. Йўл-йўлакай тунда бешта қўйни сотишга улгуради. Ҳориб-чарчашади. Яқин атрофдаги уйга бориб, ҳовли эгасини чақиради:

— Ака! Бизлар Ўсматдан келаяпмиз. Қўйларни Тошкент бозорларига олиб бориб сотамиз. Бир кун ҳовлингизда турсин, оч қолмасин. Эвазига 500 сўм берамиз. Йўлдан «КамАЗ» машинаси олиб келамиз, — дея уй эгасини кўндиради. Қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиради.

«Бўри»лар шу тарика 15 ноябрь куни эрталаб бамайлихотир «инлари» — уйларига қайтишди. Тезкор гуруҳ эса уларга тузоқ, қопқон қўйганди. Шу боис, тезда қўлга олинди. Қўйлар эгаларига қайтарилди.

Икки марта ўғирлик қилиб судланган Қурбонбой Холматов ва эндигина 20 баҳорни қаршилаган Бахтиёр Абдурахмоновлар «оқи»дан отиб олишгандан сўнг, ўзаро тил бириктириб қўшниларининг қўй-қўзиларига кўз олайтирганди. Неъмат Қўштоевнинг 7 бош, Яхшибой Эрматовнинг 20 бош қўй-қўзиларини гумдон қилишга Қурбонбой Бахтиёрни жалб қилганди. Қурбонбой қўй- қўзиларни сотиб уйланиш ва бойиб кетишни орзу қилганди. Унинг ўй-хаёллари юлдуз кўрмай жон берди. Иккала «бўри» Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-қисм «Б» банди билан қора курсига ўтиради. Чунки, улар ўз, қилмишларига иқрор бўлишди.

Ўғирлик қилиб бойлик орттиришни орзу қилганлар қинғир иш қирқ кунда эмас, қирқ соатга ҳам етмай аниқланишини ҳеч қачон эсдан чиқармасинлар. Ўз касбини ардоқлаган, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган малакали ҳамда тажрибали ҳуқуқ-тартибот посбонлари бунга қодирдир.

Зиёдулла УМАРОВ,
Жомбой тумани ички ишлар бўлими бошлиғи,
милиция подполковниги,
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Мутахассис огоҳлантиради

Гриппга гирифтор бўлманг

Грипп юқумли касаллик бўлиб қўзғатувчиси А, В, С ва турли вируслардир. Эпидемия даврида 25-30 фоиз аҳоли касалланиши мумкин. Касаллик манбаи грипп билан оғриган бемор ҳисобланади. Яширин даври 2 кун. Касаллик асосан ҳаво совий бошлаганида кўпая бошлаб, декабрь, январь, февраль ойларида авжига чиқади. Ўткир респиратор касалликлардан фарқ қилади ва ташқи муҳитга чидамли, дезинфекцияловчи моддалар қуёш нурида тез таъсир қилади. Ҳаво, мулоқот орқали юқади. Касаллик тўсатдан бошланади. Тана ҳарорати кўтариладн, томоқ оғрийди, бемор йўталади ва бурундан сув келади. Касалликнинг кечиши беморнинг ёшига, гормонал, стресс факторларига, организмнинг иммун ҳолатига боғлиқ бўлиб, у ўз асорати билан ҳавфлидир. Худди шу даврда организмдаги сурункали касалликлар ҳам авжига чиқади. Грипп вируси ажратган заҳарэндотоксин майда қон томирчаларини зарарлаб организмни заҳарлайди. Бош, бўғинлар оғрийди, эт увишади, юз-кўз қизаради ва бу ҳолат 3-6 кун давом этади. Вирусга организм сезувчанлиги жуда юқори ҳисобланади.

Грипп билан оғриган беморни даволашда Антигрипин препарати тавсия қилинади. Унинг ўзида ҳароратни туширувчи, оғриқни қолдирувчи, қувват берувчи хусусият бор. Ундан ташқари ремонтаден, арбитол препаратлари даволовчи врач маслаҳати билан тавсия этилади. Сульфаниламидли препаратлар, антибиотиклар, аспирин тавсия қилинмайди. Бемор 5-6 кун ётгани маъқул.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш учун кўриладиган чора-тадбирларга шифокорни уйга чақириш, дардни вақтида аниқлаш ва алоҳида хонага олиш, томоқни иссиқ содали сув билан чайқаш, лимонли, малинали чой, наъматак димламаси, исириқ тутатиш тавсия қилинади. Бундан ташқари бурунга оксолин мази суртиш, хоналарни шамоллатиб туриш, эпидемик кўрсатув бўйича эмлаш тавсия қилинади. Метро, трамвай, автобусларни йўлга чиқиш олдидан дезинфекция қилиш, карантин қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда мактаблар, болалар боғчаларида грипп хасталиги олдини олиш учун махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва шифокорлар билан таъминланган. Грипп билан хасталанган болалар ўқишга ва боғчага қабул қилинмайди, чунки эпидемик жараён биринчи болалар орасида бошланади. Яна профилактика мақсадида интерферон, иммуноглобулин препаратларини врач кўрсатмаси асосида қабул қилиш мумкин.

Грипп хасталигига даврийлик ва мавсумийликка хос. Касалликни оёқда ўтказиш, профилактик чора-тадбирларга уйда риоя қилмаслик оғир асоратларга ўпка шамоллашига, ўрта қулоқ шамоллашига, юрак ва мия хасталикларига олиб келади ва даволашда анча мураккабликка сабаб бўлади.

Республикамизда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб эпидемик вазиятнинг олдини олиш мақсадида касаллик мониторинги чуқур ўрганилди, эпидемияга таъсир қилиш усуллари ва прогностик моделлар яратилди. Зарур бўлган ҳолатда ишлатиш учун дори-дармонлар, дезмоддалар заҳираси тайёрлаб қўйилди. Грипп билан оғриган беморлар учун тиббиёт хизматида қулайликлар яратилди, шифохоналарда қўшимча жойлар ажратилди ва бошқа зарур чора-тадбирлар белгилаб қўйилди.

Мумтоз ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Сирдарё вилояти йил сайин кўркамлашиб бораяпти. Янги турар жойлар, маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. Замонавий услубда бунёд этилган Гулистон улгуржи бозорининг фойдаланишга топширилиши чўлқуварларга қувонч келтирди.

Суратда: бозорнинг кўриниши.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

Америкада ўзбек дастурхонлари

Марғилонлик машҳур читгар уста С. Аҳмадалиев салкам 60 йилдан буён шу касб билан шуғулланади. Устанинг моҳир қўлларидан чиққан турли сўзана, дастурхон нусхалари, чизмалар, гулли ғаройиб газламалар ҳамма жойда машҳур. Ота бундан икки йил бурун ҳунармандчилик соҳасида эришган ютуқлари учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минг доллар миқдоридаги мукофотини ҳам олган эди. Ҳозирги кунда Солижон ота ўз фарзандлари билан тайёрлаган дастурхонлар Америка, Япония, Франция, Германия, Голландия, Австралия, Италия, Англия каби чет мамлакатларда ҳам қўлма-қўл бўлиб кетган.

Ўз мухбиримиз

Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси ва Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти кўчмас мулк биржаси билан биргаликда навбатдаги

КИМОШДИ САВДОСИ ўтказади

Савдога қуйидаги ёнилғи қуйиш шоҳобчалари қўйилади:

1. Ўрта Чирчиқ тумани, Авангард қишлоғидаги 51- АЁҚШ. Майдони 3000 кв. метр. ***Бошланғич нархи — 5678000.0 сўм.***

2. Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув қишлоғидаги 53- АЁҚШ. Майдони 5500 кв. метр. ***Бошланғич нархи — 8979000.0 сўм.***

3. Оққўрғон шаҳри, Охунбобоев кўчасидаги 55- АЁҚШ. Майдони 2500 кв. метр. ***Бошланғич нархи — 7914000.0 сўм.***

Кимошди савдоси Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида 1998 йил 19 декабрь соат 11.00 да бошланади

Манзил: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51- уй.
Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18.

Доно топиб айтади

- *Ўйлаб иш қил, кенгашиб тўй.*
- *Бирники минга, мингники туманга.*
- *Иш билганга минг танга.*
- *Манманлик — охирги хорлик.*
- *Иш бўри эмас одам орқасидан қувмайди.*
- *Камбағалнинг шўрвасидан, бойнинг палови арзон.*
- *Бўладиган бола кўзидан маълум.*
- *Урсанг эти қотади, сўксанг бети қотади.*
- *Фарзанд — икки дунё меваси.*

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

Осиёда портлаган «вулқон»

ёки ўзбек курашини жаҳон тан олгани хусусида

1996 йил Ўзбекистон тарихида, қолаверса жаҳон тарихида янги саҳифа очилади деб ким ўйлаган эди? Соҳибқирон Амир Темур, Ат-Термизий ва Мирзо Бобур хотираларига бағишлаб Президент соврини учун ўтказилган халқаро кураш мусобақалари ўтказилаётган эди, ўшанда. Кураш соҳасида етук мутахассис Комил Юсупов таклифига кўра халқаро дзю-до федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси, Европа дзю-до уюшмаси Президенти Франс Хокендайк илк марта қузатувчи сифатида иштирок этаркан, беллашувлар юқори савияда ўтганлигини таъкидлаб, Европа мамлакатлари курашчилари ҳам иштирок этиши мумкин эканлигини айтганди.

Ўзбекона кураш шу тарика Европага маълум бўлди. Эндигина кўз очаётган «вулқон» Осиё заминини чулғаб, дунё сари бўй чўзди. Ўзбекнинг салобатини, виқорини кўрди олам. 20-йилларда «бошимизни силагувчи»лар айтгани каби майда миллат эмаслигимиз аёнлашади эртани ўйласак. Дунёни ҳайратга солгувчи, зилол сувлари билан ғуборини чайиб қўйгувчи улкан миллат эдик аслида. Ўзликни англаган сайин мустақиллик қадрига теранроқ етаверасан. Ахир жаҳон спорти майдонларида яқин-яқингача ўзбекнинг байроғи ҳилпираганмиди? Истиқлол сабаб ҳилпирадику! Қаранг, бугун дунё ўзбекона курашишга чоғланмоқда.

1998 йил 6-7 март кунлари тарихнинг янги саҳифасига заҳрал ҳарфлар-ла ёзиб қўйиладиган кунлар бўлди. Ирландиянинг Дублин шаҳрида Европа дзю-до уюшмаси тафтиш ҳайъати йиғини ўтказилди. Унда дзю-до ҳамда унга яқин спорт турларини молиялаш масаласи кўрилди. Биз бу йиғинни таъкидлашимиз бежиз эмас. Ўша куни тарих саҳифасига ёйирик ҳарфлар билан КУРАШ сўзи ёзиб қўйилди. Литва дзю-до федерацияси Президенти Гинтаутас Вилейта ўзбек спорти жонкуярлари илтимосини инобатга олиб, кураш ҳақида ёзма ва видео материалларни намойиш қилди. Йиғилганларнинг ҳайратини тасвирлаш қийин. Дунё спорти ўша куни бизга бағрини очди. Мазкур йилнинг 15-18 апрелида Монако шаҳрида бўлиб ўтган Европа дзю-до уюшмасининг 50 юбилей конгрессига Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси Б. Махситов ва мутахассис К. Юсуповлар таклиф этилди. Ўзбек курашининг само узра қанот қоқишида Ирландия Олимпия қўмитаси Президенти, Европа Олимпия қўмиталари уюшмаси вице-президенти, ажойиб ташкилотчи Патрик Хикининг ҳам хизматлари катта бўлди.

Тонгнинг намхуш ҳавосидан мудроқ кўзларини уқалаб уйғонаётган болалар «ЖАР» спорт мажмуида 30 га яқин мамлакатларнинг байроқлари ҳилпираётганини кўришди. Қушлар чуғурида, табиат инжусида ўзгача таровот бор эди. Ҳа, сентябрь бетакрор дамлар билан бошланди. Ахир ҳазилакам гапми, дунёнинг манаман деган дзю-до, самбо юлдузлари ўзбекча курашишга бел боғлаган. Девсифат полвонларнинг гавдасидан ўзбек полвонларининг юрагига гулгула тушиб қолгани рост ўшанда. Мамлакатлар бор қирқ йиллаб уринсада, ўз миллий спортини жаҳон майдонига олиб чиқолмайди. Мамлакатлар бор жаҳон майдонига олиб чиққан спортининг нуфузини оширолмайди. Мамлакатимиз эса мустақиллиқнинг еттинчи йилида шундай муваффақиятга, нуфузга эришди. Биринчи халқаро кураш мусобақаси ўтказилди. Кураш бўйича жаҳон биринчилигини ўтказишга оқ йўл олинди. Гарчи «ЖАР» спорт мажмуида курашчиларимиз ғолибликни қўлга киритмаган бўлсаларда, дунёга ўзбекона кураш сирлари аён бўлди. Ўзига хослиги, барчага завқ бағишлаши намойиш этилди. Бу катта ютуқ эди. Бу Ўзбекистоннинг, миллатнинг ютуғи эди.

1998 йил 6 сентябрь куни Халқаро кураш ассоциациясининг биринчи конгресси бўлди. Унда Ассоциациянинг низоми, эмблемаси, байроғи қабул қилинди. Унинг фахрий Президенти этиб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бир овоздан сайланди. Президенти эса Республика ёшлар «Камолот» жамғармаси раиси биринчи ўринбосари, Республика миллий кураш федерацияси вице президенти Комил Юсупов бўлди. Европа дзю-до федерацияси вице Президенти, Россия миллий олимпия қўмитаси аъзоси Г. Калеткин, Польша дзю-до конфедерацияси Президенти М. Богошевский, Литва миллий олимпия қўмитаси Ассамблеяси аъзоси Г. Вилейта, Японияндан Х. Камага, Голландиядан Ф. Хокендайк, Туркиядан И. Озтек ва Грузиядан Ш. Хабарелилар номзоди бошқарув тизимидан жой олган бўлса, Осиё минтақаси бўйича қозоғистонлик С. Ангарбаев, Америкадан АҚШ вакили В. Шарканский ҳамда Европа бўйича арманистонлик А. Аветисянлар вакил этиб сайланишди. Шунингдек, Африка ва Океанияга вакилларни жойларнинг ўзида сайлайдиган бўлишди. Ушбу конгрессда яна бир асосий масала, яъни биринчи жаҳон кураш чемпионатини 1999 йил апрель-май ойларида Ўзбекистонда ўтказиш белгилаб олинди. Ҳатто 2000 йилги жаҳон биринчилигини ўтказиш учун даъвогар давлатлар борлиги аниқланди. Шундан маълум бўладики, мустақил мамлакатимиз ҳаракатлари дунё остонасидан хатлаб бўлди. Биринчи конгрессга дунёнинг турли қитъаларидан келган 28 расмий вакил ўлкамиз тўғрисида илиқ сўзларни айтишди.

Ҳа, ўзбекнинг юлдузли онлари бошланди. Ўзбек кураш атамалари: елка, чала, дакки, ҳалол каби сўзлар жаҳон спорт майдонларида янграйдиган бўлди. Эндиликда поёнсиз осмонда оламга нур сочгувчи ўзбекнинг ўз юлдузи бўлади.

Польшалик М. Богошевский таъсис конгрессида ўзбек курашини Польшада оммавий ахборот воситалари орқали намойиш қилишини айтган эди. Видео тасмага туширилган кўргазмали чиқишларни олиб кетган эди. Яқинда Халқаро «Кураш» Ассоциацияси Президенти К. Юсупов номига хат ва «Трибуна» газетаси келди. Хатда айтилишича, Польша миллий спорти намояндалари курашни қўллаб-қувватлагани, уни оммавийлаштиришга ёрдам қўлини чўзажаги баён этилган. «Трибуна»да эса ўзбекона курашнинг моҳиятлари ёритилгани шундоққина кўриниб турибди. Шунга ўхшаш хатлар Япония ва Туркиядан ҳам олинди. Барчасининг ўзбеклар ютуғидан мамнунлиги самимий дил изҳорларидан сезилади. Кураш бошқа спорт турларига ўхшамаслиги, у ўзига хос тизимга эгалиги, ҳалоллик, кучлилик, чаққонлик полвонлардан талаб этилиши айтилади. Кувонмай бўладими, дунё бизга бағрини оча бошлади. Биз дунёга бағримизни очаяпмиз. «Спорт — тинчлик элчиси», деб бежиз айтилмайди. У халқларни бир-бирига танитади. Давлатларни биродарлаштиради.

Халқаро «Кураш» Ассоциациясининг Бош қароргоҳи Тошкентда жойлашди. Энди бутундунё курашининг йўли Тошкентда туташади. Биринчи жаҳон кураш чемпионатида иштирок этувчи, залвори юк босадиган полвонлар аллақачон машғулотларни бошлаб юборишди. Биринчи чемпион бўлиш нечоғли бахт эканини спортчилар кўпроқ тушунишади. Кўнгилларда ҳаяжон, вужудларда ҳузурбахш титроқ сезилади. Ўлкамизга хуш келдинг полвон, дея ҳайқириқлар янграйдиган кунлар яқин.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998-yil 1-dekabr, seshanba № 143 (24.380).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Маннон Уйғур таваллудининг 100 йиллигига

«Шу йўлга кирибман, шу йўлдан кетай»

Сизларнинг диққатингизни Британия парламент аъзолари томонидан Ҳамза номли академик драма театрининг таассуротлар дафтарига ёзиб қолдирилган қуйидаги сўзларига қаратмоқчиман:

«Биз ватандошимиз Шекспир трагедиясининг бундай яхши қўйилганини ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳатто Лондонда ҳам кўрмаган эдик». Гап «Отелло» спектакли устида кетмоқда.

Ўзбек миллий театрининг бундай улуғвор ижодий мувафаққиятларини тилга олсак, кўз ўнгимизда буюк маданият арбоби Маннон Уйғурнинг беқиёс гўзал қиёфаси яққол намоён бўлади.

Театр санъатининг беш тамоили борлигини улуғ арбоблар айтиб ўтишган. Биринчидан, драматург бўлса, иккинчиси режиссёрдир. Чунки у асарнинг ғоявий мазмунини саҳнада гавдалантириб, барча компонентларини яхлит ҳолда мақсадга йўналтириб, асарга «жон» бахшида этади. Уйғурни тилга олсак, у бутун умри давомида ана шу машаққатли, серташвиш ишни қойилмақом қилиб бажарганлигининг гувоҳи бўламиз. Юқорида тилга олинган, инглизлар томонидан юксак баҳоланган «Отелло» спектаклини ҳам саҳнага маҳорат билан қўйган Оға (санъаткорлар уни севиб оға дейишади)-

1

дир. Унинг юксак истеъдоди билан саҳна юзини кўрган ҳам ғарбий, ҳам рус, ҳам миллий ўзбек муаллифларининг асарларини қай бирини санаб ўтай? 1935 йилда «Ҳамлет» тамошабинларга кўрсатилганда умуман ҳаётимизда улкан воқеа бўлган. Оға саҳналаштирган жаҳон дурдона асарлари санъатимизда бурилиш ясади.

Режиссёрлар ҳар хил бўлади. Айримлари комедияларни қўйишга мослашади, баъзилари трагедияларни маҳорат билан саҳнага олиб чиқади. Фақат драмаларга урғу бериб, уларни завқ билан саҳналаштирадиган режиссёрлар ҳам йўқ эмас. Уйғурнинг буюклиги шундаки, у барча жанрларда ҳам эркин «сузган», ҳар бирини қойил қилиб саҳнага олиб чиққан. Мана эслаб ўтайлик. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», К. Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга», Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» каби драмаларини ўзига хос услуб билан саҳналаштирган. Оғанинг трагедия жанри соҳасидаги истеъдодини билмоқчи бўлсак, кўз ўнгимизда «Ҳамлет» ва «Отелло»лар (Шекспир), «Заҳарли ҳаёт» (Ҳамза), «Жалолиддин»лар (М. Шайхзода) келади. Ўзбек халқининг севимли жанри бўлган, томошабинларни оҳангрободек театрга тортган мусиқали драмаларни биринчилардан бўлиб, саҳнавий бадиий асосларини ишлаб чиқиб, рўёбга оширган ҳам Уйғур бўлади. У саҳналаштирган «Ҳалима» (Ғ. Зафарий), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» (Хуршид), «Муқимий» (Собир Абдулла)ларни халқ оммаси олқишлар билан кутиб олган экан, демак, Оға бу жанрда ҳам зўр маҳорат кўрсатганлигини исбот қилган. Оға билан драматургларнинг ижодий соҳада ака-ука, ота-фарзанд бўлиб кетишларининг боиси ҳам шунда.

Энди гапни театр санъатининг учинчи омили, яъни актёр масаласига олиб ўтайлик. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Оға режиссёр сифатида актёрларга қанчалик талабчан бўлган бўлса, ўзига ҳам актёр сифатида шунчалик масъулият билан қараган. Шу сабабдан ҳам унинг яратган ҳар бир образи роли янгилиги билан ажралиб турганлигини ўз вақтида матбуотда ёритишган. Унинг ижросидаги ҳам трагик Маҳмудхон (Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт»ида), Заҳҳок (Самибекнинг «Каваи оҳанглар»ида) ҳам комик-Кал (Чўлпоннинг «Ёрқиной-

2

»ида) Эшимқул ўғри Жўра (ўзининг пъесаларида), драматик характердаги Ғофир (Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сида), Муслим (Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима»сида), Карл Моор (Ф. Шиллернинг «Қароқчилар»ида), Миллер (шу муаллифнинг «Макр ва муҳаббати»ида) ролларини маҳорат билан, меъёрига етказиб ўйнаганлигини ўз кўзлари билан кўрган мутахассислар таъкидлашган. Ўз вақтида қайд қилишларича Уйғур 20-йилларда энг машҳур актёр бўлиб етишган, унга тенглаша оладиган санъаткор бўлмаган экан.

Уйғур фақат Ҳамза номли театрнигина эмас, балки қатор шаҳарлардаги: Бухоро, Чоржўйларда драма тўгаракларини тузади, ишчи ёшлар театрига бошқош бўлади. Шу сабабдан ҳам А. Ҳидоятов, Ш. Бурҳонов, С. Эшонтўраевага ўхшаш буюк артистларгина эмас, мамлакатимизнинг кўп бурчакларида шогирдлари етишиб чиққан.

Уйғур жони-тани билан санъатга, халққа хизмати билан бирга тинимсиз ижодий-илмий меҳнат қилган. Санъаткор ҳамиша ўқиди ва изланди. У дастлаб озарбойжон ва татар театларидан сабоқ олди. Айниқса, унинг устози Ҳамзанинг санъат соҳасидаги таълими ғоят самарали бўлди. Унинг ижодига ижод қўшди, илҳом берди, унинг билим манбаи бўлиб қолди. К. Станиславский, Е. Вахтангов таълимотлари ҳам уни янги-янги парвозга йўллади. У москвада истиқомат қилиб, уч йил (1924-1927) санъатнинг нозик сирларини, янги методини ўрганиши унинг амалий ишида жуда катта ёрдам берди. У билганларининг ҳаммасини шогирдларига, санъат институти талабаларига улашиб берди, уларни санъат оламига олиб кирди. Маннон Уйғурнинг миллий ўзбек санъатини ривожлантиришдаги ижодий-илмий ва ташкилотчилик хизматлари муносиб баҳоланиб, унга Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди. Давлат мукофотига сазовор бўлди, қатор-қатор орденлар билан тақдирланди. Энг муҳими Оғага бўлган халқнинг муҳаббати ва эҳтироми. Бу муҳаббат ва эҳтиромни ва абадий яшайди. У ўзи айтгандидек «Шу йўлга кирибман, шу йўлдан кетай». Ҳа, ҳозир ҳам буюк даҳо шу йўлдан кетмоқда, унинг санъати, анъаналари шу йўлда, шогирдлари ва талабаларининг хизматлари шу йўлда кетмоқда ва ривож топмоқда. У ҳамон томошабинларга «саломини» айтмоқда. Демак, Маннон Уйғур барҳаёт.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

3

Оила — маънавият бешиги

Китоб — билим манбаи

Манбаларда айтилишича, одамзот яралганда ижтимоий муҳитдан муносиб ўрин эгаллаши учун никоҳ яралган экан. Никоҳ инсоният учун яралган қонунларнинг биринчиси ҳамда ўзгармайдиган, изоҳ талаб қилмайдиганидир. 1998 йилнинг «Оила йили» деб аталиши мамлакатимизда мустаҳкам оилаларни барпо қилиш, соғлом, ақлан теран авлодни вояга етказиш кўзда тутилган эди.

Мазкур сана муносабати билан Самарқанд шаҳридаги «Зарафшон» нашриёти Жибак Аҳадованинг «Оила — маънавият бешиги» рисоласини чоп этди. Мўъжазгина рисолада ҳаётнинг нотекис кўчаларида адашмаслик, маънавий турмуш тарзини топиш каби масалалар атрофилича ёритилан. Адиба китобнинг муқаддимасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги «Оила» бўлимидан айрим моддаларни келтиради, масалан: 63-модда: Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади, каби.

Китобдан ўрин олган қатор мақолаларда аёлнинг оиладаги ўрни, фарзанд тарбияси ҳақидаги аждодлар ўгити, маънавий баркамоллик инсоннинг қадр-қимматини ошириши ёритилган. «Оила — муқаддас ватан» мақоласига таг сарлавҳа қилиб: «Ҳар бир нарсани жуфт қилиб яратдик» (Қуръони каримнинг «Зурриёт сураси», 49-оят) жумласини келтиради. Ушбу мақолада одамларга кенгроқ тушунча бўлсин деб, ҳайвонот ва табобатдаги сирлилик, жуфтлик тилга олинади. Сўнгра ҳазрати инсон ҳақида сўз юритилади. «Оила тушунчаси жуфтлик ҳосиласидир» — дейди адиба. Жуфтлик кўнгилнинг мувофиқлиги, юлдузнинг юлдузга тўғри келиши, буни ҳар бир ота-она ёдда тутмоғи лозим. Чунки, жуфтлик умрнинг охиригача бирга турмуш кечириш демак. Оиланинг турқи-тароватн, шакли-шамойили авввало фарзандларга таъсир қилади. Халқимиз: «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтишмайди.

Жибак Аҳадова ҳикматли сўзлар, рубойилардан ўринли фойдаланиб рисолада келтиради: «Йигитлик умрининг юзи ва нақши одоблилик, шод-ҳуррамлик билан яхши» (Абу Аҳмад Ал-Котиб) ёки Жан Жак Руссонинг: «Кимки, оталик бурчларини бажармаса, у ота бўлиш ҳуқуқидан маҳрумдир» каби қимматли сўзлари рисолага қувват бағишлаган.

Оила, айниқса, шарқ халқларида муқаддас саналиб келинади. XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада турмушга чиққан қизнинг жилла қурса битта жазмани бўлмаса аристократлар ўз тўдасига қўшишмаган. Бу ҳолат баъзи мамлакатларда ҳалигача сақланиб келинади. Шарқда эса улар фоҳишаликда айбланиб сазойи қилинган, калтакланган, тошбўрон қилинган. Аждодлар урф-одатини, маънавиятни такомиллаштириш кичик жамиятни покиза сақлаш, комил инсонни вояга етказишда муҳимдир. Оила ҳақида қайғуришимиздан мантиқ ҳам шу.

Адиба рисоланинг сўнггида шоира Мукаррама Муродованинг «Фарзанд» номли шеъридан қуйидаги парчани келтиради:

Бола биров мулки эмас,
Ватан мурвати,
Вужудига халқин шони,
жони тортилган.
Эл-юртининг андозаси,
мезон, сурати...
Қизларига халқ яратиш
юки ортилган!..

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998-yil 1-dekabr, seshanba № 143 (24.380).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Мурод АЛИМ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0484

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 24.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ие, йўг-е наҳотки?!

Диққат, тошбақа!

Кейинги йилларда Мисрнинг Ўрта Ер денгизи қирғоқларига медузаларнинг мавсумий бостириб келиши кузатилмоқда. Олимлар бунинг сабабини экологик мувозанат бузилганлигида, деб билишмоқда, яъни денгиз тошбақаларининг қирилиб кетаётганлигидан, дейишмоқда. Тошбақалар асосан медузалар билан озиқланади.

Денгиз тошбақаларининг қирилиб кетишига сабаб уларни севиб истеъмол қилувчи «очкўзлар» кўпайиб бораётганлигидир. Негаки, ўша ерлик аҳолининг ривоят қилишича, тошбақа гўшти бепуштлик ва бошқа бир қанча касалликларга даво экан.

Маълумки, денгиз тошбақалари қирғоқдаги қумлар остига 150 тагача тухум қўяди. Шундан ярми насл беради, холос.

Ҳозир тошбақаларни муҳофаза қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилган: тошбақаларнинг тухум қўядиган жойи — Эл-Ариш шаҳри атрофидаги қирғоқларга ер юзаси бўйлаб махсус тўрлар тортилган. Улар тошбақа тухумларини қушлардан, ёввойи ҳайвонлардан ва одамлар тажовузидан муҳофаза этади. Тухумдан чиққан тошбақачалар фақат тунда «қафас-тўр»дан чиқарилади ва уларнинг эсон-омон денгизга чиқиб олиши тўла таъминланмоқда.

Дарвоқе, мисрлик олимлар ҳозир тошбақа тухумларини инкубаторда очириш устида тажрибалар ўтказишмоқда.

Қизалоқ отасини «тарбиялади»

Қандай қилиб дейсизми? Жуда оддий. Уфалик 8 ёшли Ксюша отасининг сигарет чекишини ёқтирмасди. Шунинг учун аввалига сигаретларнинг тамакисини яширинча тўкиб ташлаб, қуруқ қоғозини отасининг чўнтагига солиб қўйиб юрди. Бироқ отаси «сигаретчилар ҳам халтурага ўтибди-да» деб нолиб, яна бошқа олиб чекаверди. Шунда Ксюша яна беқитиқча отасининг барча сигаретларининг ичига гугурт бошларини эзиб солиб қўйди. Отаси яна чекмоқчи бўлувди сигарет оғзида «портлаб» кетди. Бошқасини чекмоқчи бўлди — у ҳам шундай «портлади». Яхшиямки, ҳеч ерига шикаст етмади, мўйловлари бироз куйиб қолди, холос. Шунда Ксюша айбига иқрор бўлиб, қилган хатосини тан олди ва «Энди чекманг, жон ота, сиз ҳали кўп яшашингиз керак» деди. Қизининг бу гапи таъсир қилдими ё содир бўлган «портлаш» сабабми, ҳар қалай ота энди чекмай қўйди.

Энди лилипутлар бўлмайди

Хитойлик тиббиётчилар одам бўйини ўстирувчи сунъий гармонлар яратишди ва бу гармонлар уч йил давомида Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясига қарашли Шанхай цитология (хужайраларнинг тузилиши, ривожланиши ва функцияларини ўрганадиган фан) илмий текшириш институти олимлари томонидан тажрибада синаб кўрилди. Синов Шанхайдаги клиник касалхоналардан бирида ўтказилди ва натижа ўта муваффақиятли чиқди. Туғма лилипутларнинг бир неча нафари саноқли йиллардаёқ ўз тенгқурлари билан тенглашиб қолди.

Тажриба хулосаларига кўра шуни аниқ айтиш мумкинки, гармон қабул қилингач, бўйнинг ўртача ўсиши 1 йилда 10 сантиметрни ташкил этар экан.

Vatanni sevmak iymondandur!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220; Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ — Нашр индекси

Обуна сони

1999 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси — Нашр индекси

п.в Жойи

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Бахоси	сўм	обуна сони
	Бахоси	сўм	

1999 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси етакчи илмий ходим, фалсафа фанлари доктори Э. Хошимовга волидаи муҳтарамаси **Муҳаббат ая НИЁЗОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қибрай тумани ҳокимлиги ҳоким ўринбосари **Шоҳодир Шоюсупович ШОБЕКОВ нинг** бевақт вафот этганлиги туфайли марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси раҳбарияти ва жамоаси компаниянинг масъул ходими Ҳалима Хошимовна Низомхўжаевага онаси **Тўранисо САИДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси: Салаев

Исми: Кимсанбой

Отасининг исми:

Қачон, қаерда туғилган: 1895 йил 14 январь Андижон вил. Марҳамат тум. Шомат қишлоғи

Ҳозир қаерда яшайди: Ҳозир ҳам шу манзилда яшайди

Узоқ умр кўришнинг сири: Кенг феъллик, доимий меҳнат (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси: Оғзон мусаффолиги ҳалқ бойлиги (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тарика мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

«Ўзагросуғурта» ДАСК акциядорлари диққатига!

«Ўзагросуғурта» ДАСК Бошқаруви 1998 йилнинг 26 декабрь куни соат 10.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби
1. «Ўзагросуғурта» Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг жорий йилдаги фаолияти тўғрисида.
2. Компаниянинг тафтиш комиссияси Низомини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 13-уй.

Акциядорлар соат 9.00 дан бошлаб рўйхатга олинади. Рўйхатдан ўтиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат бўлиши шарт.

Акциядорлар вакилининг йиғилишда иштирок этиши учун ҳуқуқий шахсларда ташкилот раҳбари имзолаган, жисмоний шахслар учун эса нотариал идора тасдиқлаган ишонч қоғози бўлиши керак.

Маълумотлар учун телефонлар: 76-92-41, 76-92-38